



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2020 йил — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2020 йил 17 ноябрь, № 242 (7744)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ГЕОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ ИШЛАРНИНГ БОРИШИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 16 ноябрь куни геология соҳасини модернизация қилиш, инвестициялар жалб этиш ҳамда геология-қидирув ишларини кенгайтириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Охириги уч йилда ушбу соҳага катта маблағ ажратилиб, технологияларни янгилаш, илм-фанни тиклаш ва кадрлар тайёрлаш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Замонавий техникалар қўлланаётгани натижасида бургилаш аниқлиги ва унумдорлиги ошди. Ер ости бойликларнинг захираси ҳам, прогноз ресурслари ҳам кўпайди.

Йиғилишда бу борадаги ишларни изчил давом эттириб, соҳанинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш, давлат корхоналарини ислоҳ қилиш бўйича кейинги даврдаги асосий вазифалар муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари геология-қидирув ишларини ошириш ҳисобига 2021-2022 йилларда минерал хом ашё базасини кескин кенгайтириш зарурлигини таъкидлади.

Соҳага хорижий инвесторларни жалб қилиш учун геология-қидирув ишларини ташкил этишга бўлган ёндашувни ҳам ўзгартириш керак. Шу мақсадда истиқболли майдонларни шакллантириш, уларни хорижий инвесторларга бериш, геологик қидирув ўтказиш ва солиққа тортиш тизимларини халқаро тажриба асосида такомиллаштириш бўйича топшириқлар берилди.

31 та стратегик фойдали қазилма майдон ва конлар жойлаштирилган онлайн аукционга чет эллик сармоядорларни кенг жалб этиш муҳимлиги айтиб ўтилди.

— Геология соҳасида 50 фоиз вақт инвестиция билан шуғулланишга сарфланиши керак. Инвестиция келмаса, геологияда вазият ўзгармайди. Узоқ йиллик мавҳум режалар эмас, қисқа муддатли, аниқ ва натижадор режалар керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Етаки аудиторилик ва консалтинг компаниялари билан ҳамкорликда соҳадаги давлат корхоналарини трансформация қилиш бўйича “Йўл хариталари” ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Соҳа учун малакали кадрлар тайёрлаш, илм-фанни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. “ЎзгеорангметЛИТИ” институтига илгор тажрибага эга хорижий компания жалб қилиниши белгиланди.

Йиғилишда мутасаддилар 2021-2022 йилларда амалга ошириладиган чора-тадбирлар юзасидан ахборот берди.

Ў.А.


Мендан энг катта мақсад-муддаоинг, бахтинг нима, деб сўрасаларинг, шундай деган бўлардим: ёшларимизнинг дунёқарашини жаҳон даражасига кўтариш, ишли қилиш, гурур-ифтихорини юксалтириш, оилавий бахтини кўриш.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

ЭЗГУ МАҚСАД-МУДДАОЛАРНИНГ ҲАЁТИЙ РЎЁБИ

Давлатимиз раҳбари Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида Қарши шаҳридаги Ёшлар марказида бўлиб, у ерда яратилган шароитларни кўздан кечирди. Шу ернинг ўзида қашқадарёлик ёшлар билан учрашув ўтказди. Шубҳасиз, бу тарихий учрашув йигит-қизлар қалбини қувончга тўлдириб, эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамлади. Буни уларнинг куйидаги фикр-мулоҳазалари ҳам яққол ифода қилди.

Муносабат



Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

Алишер САЪДУЛЛАЕВ, Ёшлар ишлари агентлиги директори:

— Президентимизнинг Қашқадарё вилоятига ташрифи давомида ёшлар сиёсати ҳар доимгидек энг долзарб масалалардан бири сифатида қаралди. Эртаминг эгаларини маданият ва санъат, адабиёт ҳамда тадбиркорликка кенг жалб этиш бўйича кўплаб ташаббуслар билдирилди.

Давлатимиз раҳбари ташриф буюрган Қарши шаҳридаги мухташам Ёшлар марказининг асосий вазифаларидан бири йигит-қизларни умумий мақсад йўлида бирлаштириш, уларнинг истеъдодини кашф этишдир. Ҳозирги кунда ушбу замонавий марказда 20 дан ортиқ тўғарақлар фаолият юритаётган бўлиб, улар, асосан, ёшларнинг қизиқишини IT соҳаси, фрилансерлик фаолияти, тадбиркорликка йўналтиришга қаратилгандир. Йигит-қизлар орасида китобхонлиқни тарғиб қилиш мақсадида бу ерда замонавий бизнес кутубхона ҳам ташкил этилган. Ушбу зиё маскани 5 мингга яқин китоб фондига эга бўлиб, бир вақтнинг ўзида 50 дан ортиқ китобхонларга хизмат кўрсата олади.

Шу билан бирга, бу ерда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли, мароқли ўтказишлари учун ёзувчи-шоирлар билан учрашувлар, марҳум дарслари ташкил этишга барча шароит муҳайё қилинган. Бундан ташқари, марказда кўркам, замонавий фаоллар зали ҳам

бор. Давлатимиз раҳбари айнан ушбу залда ёшлар билан учрашди. Улар билан суҳбатлашиб, Қашқадарё келажагини ёшларнинг фикрларисиз, иштирокисиз қуриб бўлмамлигини таъкидлади.

Мана шу нуқтаи назардан ҳам келгуси беш йил ичида Қашқадарё ёшлари ҳаётида қандай ўзгаришлар бўлади, соҳанинг ривожланиш нуқталари қайси, каби саволларга ойдинлик киритиб олди. Булар эртаминг эгаларини тадбиркорликка кўпроқ жалб этиш, бунинг учун ҳар бир туманда бизнес коворкинг марказлари, ёшлар марказларини кўпайтириш, шунингдек, йигит-қизларга кредит олиш ва уни самарали ишлатишни ўргатиш учун маслаҳат марказлари ҳам ташкил этиш белгиланди.

Бундан ташқари, ёш лидерларни етиштириб чиқариш механизми ҳам айнан Қашқадарё вилоятида намуна қилинади. Кейинги кунларда туманлар ва шаҳарларда икки мингдан ортиқ ёшлар билан учрашувлар ўтказганимизда гувоҳ бўлдикки, улар орасида ёш иқтидорлар, етакчиликка тўғма қобилиятлилари жуда кўп. Уларга ўз устида аянам кўпроқ ишлаши, истеъдодини сайқаллаштириш ҳамда юртимиз тараққиётига ҳисса қўшиши учун янада кенг имкониятлар яратилиши ўзимизга режа қилиб олди.

3

Қонунчилик палатаси қўмитасида

Давлат бюджети:

МУҲОКАМАЛАР, ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯЛАР

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Давлат бюджетининг ва давлат мақсадили жамғармалари бюджетларининг 2020 йил 9 ойи якунлари ижроси тўғрисидаги ҳисоботи ҳамда “Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил учун Давлат бюджети тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг дастлабки муҳокамасига оид масалалар кўриб чиқилди.

Йиғилишда Молия, Иқтисодий тараққуёт ва камбағалликни қуқаририш вазирликлари, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк ҳамда бошқа тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари иштирок этди.

Молия вазирлиги мутасаддилари таъкидлаганидек, Давлат бюджети ижроси парламентда муҳокама этилиши катта ижтимоий аҳамиятга эга. Ушбу жараёнда бюджет маблағлари вазирилик ва идораларда ҳамда ҳудудларда қандай сарфланаётганини таҳлил қилиш ва мавжуд

камчиликлардан келиб чиқиб, уларни такорламаслик чораларини кўришда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу муносабат билан вазирлик мутасаддилари Давлат бюджетининг ҳамда давлат мақсадили жамғармалари бюджетларининг 2020 йил 9 ойи якунлари ижроси тўғрисидаги ҳисоботнинг мазмун-моҳияти ва “Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил учун Давлат бюджети тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг концепциясини дастлабки муҳокамада очиб беришди.

Депутатлар пандемия даврида, аввало, аҳолини кучли ижтимоий ҳўмия қилиш ва соғлигини таъминлаган ҳолда иқтисодиётни қайта тиклаш йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини эътироф этишди. Вазирлар Мақамасининг Давлат бюджетининг ҳамда давлат мақсадили жамғармалари бюджетларининг 2020 йил 9 ойи якунлари ижроси тўғрисидаги ҳисоботида Давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг ижроси, маҳаллий бюджетлар ҳамда давлат мақсадили жамғармалари ижроси, давлат молиявий назорати натижалари ҳамда бошқа зарурий тегишли маълумотлар тақдим этилганлигини маъқуллади.

2

Ўрганиш ва таҳлил

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСНИНГ КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР САМАРАЛАРИ



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева шу йилнинг 12 — 14 ноябрь кунлари Қорақалпоғистон Республикасининг Шуманай, Хўжайли ва Тахиятош туманларида бўлиб, давлатимиз раҳбарининг Оролбўйига ташрифи давомида берган топшириқлари ва кенгайтирилган тарзда ўтказилган мажлис баёни ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Сенат Раиси дастлаб Шуманай туманидаги “Shomanay eco teks” масъулияти чекланган жамиятида бўлиб, корхона фаолияти, хусусан, ишчилар учун яратилган шароитлар билан танишди.

Умумий қўямати 21 миллион АҚШ долларига тенг ушбу лойиҳа жорий йилнинг март ойида ишга туширилган. Бу ерда Швейцария, Япония, Туркиядан замонавий дастгоҳлар келтирилган. Натижада 480 та янги иш ўрни яратилди. Ҳозирги кунга қадар 4 минг 500 тонна маҳсулот Покистон, Хитой, Туркия давлатларига экспорт қилинди.

Яна бир жиҳат. Мазкур корхонанинг ишга туширилиши кўплаб хотин-қизлар бандлигини таъминлади. Улар орасида туманининг “Деҳқонobod” овул фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Салтанат Бекниязова ҳам бор.

— 2013 йилда Кўнғирот кимё-технология касб-ҳунар коллежини тугатганим, — деди С. Бекниязова. — Бугун ўз мутахассислигим бўйича ишлаб, замонавий ускуналарни бошқаришман. Корхонага келиб-кетилишимиз учун автотранспорт ажратилган. Ишчилар маҳсул кийим-бош, доимий иссиқ овқат билан таъминланган.

Шундан сўнг парламент юқори палатаси Раиси тумандаги “RANN-OMAD” масъулияти чекланган жамиятида бўлди. Таъкидлаш жоизки, мазкур корхонага 1 гектар майдонда замонавий иссиқхона ташкил этиш лойиҳаси учун 4,3 миллиард сўмлик кредит ажратилган. Жанубий Кореянинг “Myung Sung Placon” LTD фирмасидан шартнома асосида 500 минг АҚШ доллари миқдоридagi кредит маблағи эвазига замонавий ускуналар олиб келинди.

Ушбу лойиҳа ўтган йилнинг январидa тўлиқ фойдаланишга топширилди. Иссиқхонада йилга 120 тонна бодринг етиштирилиб, ички бозорни таъминлапти. Эътиборлиси,

келгусида лойиҳа янада кенгайтирилади, яъни корхонанинг жами майдонини 5 гектарга етаклаш режалаштирилган.

Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш — муҳим масала

Сенат Раиси шу ернинг ўзида хотин-қизлар билан суҳбатлашиб, улар эришаётган ютуқлар, шарт-шароит ва муаммолари билан ҳам қизиқди. Ёш тадбиркор Шаҳрибону Юсупбону ўтган йили 25 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, миллий ҳамда замонавий либослар цехини ташкил этганди. Фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида шу йил 200 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит олиб, “Шуманай-Шаменай” масъулияти чекланган жамияти фаолиятини йўлга қўйди. Тикучилик ва гўзаллик салонига ихтисослаштирилган корхонада бугунги кунда ўндан зиёд хотин-қизлар доимий иш билан банд.

2

«TCT Cluster»: ШОЛИЧИЛИК КЛАСТЕРИДА

САНОАТ «ЗАНЖИРИ» ТўЛИҚ ЯРАТИЛДИ

Тошкент вилоятининг Куйи Чирчиқ туманидаги “TCT Cluster” кластери томонидан йирик инвестициявий лойиҳа муваффақиятли амалга оширилди. Яъни шолини чуқур қайта ишлашга ихтисослаштирилган Марказий Осиёдаги энг йирик корхона фойдаланишга топширилди.



Янги корхона

Мазкур замонавий завод жойлашган “Сурум” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 6 гектарлик майдон яқин-яқингача қаровсиз ҳолда ётган ер эди.

Қўямати 25 миллиард сўмлик

лойиҳа асосида нафақат ҳудуд обод бўлди, балки Эркин, Сергели маҳаллаларидаги ўнлаб ёшлар, хотин-қизлар доимий иш билан таъминланди. Энг асосийси, кластернинг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланган “TCT Rice” масъулияти чекланган жамиятида шоли етиштириш ва уни чуқур қайта ишлаш бўйича тўлиқ саноат “занжири” яратилди.

4-бетга қаранг.



Видеоярқ



2

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР САМАРАЛАРИ

Этиборлиси, пандемия шароитида ҳам иш тўхтаб қолгани йўқ, қатъий қаратилиш қоидаларига амал қилган ҳолда фаолият олиб борилди. Бундан ташқари, жорий йил якунига қадар яна шунча маҳаллий аҳолини доимий иш билан таъминлаш, шу билан бирга, "темир дафтар"га киритилган ҳамда уйда ишсиз ўтирган 65 нафар хотин-қизни касбга ўқитиш режалаштирилган.

Парламент юқори палатаси Раиси ҳудуддаги "Elite Stars Textile" МЧЖ томонидан ташкил этилган калава ип йиғириш корхонаси, Тахиятош туманидаги "Nayman agro terlica" ҳамда "Region agro invest", "Atiyag gulzar" корхоналари иш жараёни билан танишиди, ишчи-ҳодимлар, хотин-қизлар билан суҳбатлашди.

Аҳоли билан очик мулоқот — ўзаро ишонч омил

Айтиш жоизки, таширф нафақат ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган истиқболли лойиҳалар билан танишиш, балки аҳоли билан бевосита мулоқот қилиш имконини берди, десаки, мулолага эмас. Бу Сенат Раисининг Нукус тумани фаоллари билан бўлиб ўтган учрашувида ҳам таъкидланди.

Навбатдаги манзил — Нукус ту-

Таъкидланганидек, 2020 — 2022 йилларда Нукус тумани саноатини ривожлантириш дастури доирасида 399 миллиард 234 миллион сўмлик 84 та лойиҳани рўйга чиқариш режалаштирилган. Шундан саноат соҳасида 18 та, қишлоқ хўжалиги соҳасида 44 та, хизмат кўрсатиш соҳасида эса 22 та лойиҳа амалга оширилади.

Туманда, асосан, мева-сабзавотчилик ҳамда балиқчиликни ривожлантиришга катта эътибор қаратиляпти. Хусусан, мева-сабзавотчилик бўйича иккита кластер фаолияти йўлга қўйилди. Бундан ташқари, икки йил мобайнида гидропоника усулида тўртта, замонавий усулда саккизта, жами ўн иккита иссиқхона ташкил этилади. Мазкур лойиҳаларнинг амалга оширилиши билан 345 та иш ўрни яратилиши кўзда тутилган.

Тадбирда ҳудудда истиқболли лойиҳаларнинг олиб борилишида депутатлар фаол бўлиши лозимлигига ургу берилди. Шунингдек, тиббиёт, таълим, мактабгача таълим соҳаларини ривожлантириш, аҳоли, ай-



да бир қатор ишлар амалга оширилди. Комиссия томонидан БМТнинг Хотин-қизларга нисбатан камситилишинг ҳар қандай шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияси қоидаларини ҳаётга татбиқ этиш ҳамда Пекин ҳаракатлар платформи ва Миллий режани амалга ошириш устида иш олиб бориляпти.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирилик ҳамда Соғлиқни сақлаш вазириликнинг ўтган йил 10 июндаги қўшма қарори билан "Аёллар меҳнати тўлиқ ёки қисман қўлланлиши тақиқланган меҳнат шароити ноқулай бўлган ишлар" рўйхати бекор қилинди.

Хотин-қизлар ҳамда эркеклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлашга қаратилган 2020 — 2030 йилларда Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси лойиҳаси тайёрланиб, давлат ҳамда нодавлат ташкилотлари билан келишилди. Мазкур стратегиядаги барча йўналиш БМТнинг 2030 йилгача мўлжалланган Барқарор ривожланиш мақсадларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Яна бир жиҳат. Оғир турмуш шароитида яшайтган хотин-қизларнинг уй-жойини яхшилаш мақсадида ўтган йил 1 миң 493 нафар хотин-қизга 25 миллиард 778 сўмлик уй-жой суммасининг бошланғич бадали Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан тўлаб берилди. Бундай аёллар, айниқса, ёш хотин-қизлар бандлигини таъминлаш дастури қабул қилинди. Жорий йилда тижорат банклари томонидан жами 426 нафар хотин-қизга 58 миллиард 125 миллион сўм кредит ажратилди.

Тадбирда гендер тенгликни таъминлашга мавжуд камчиликлар, уларни бартараф этиш чора-тадбирлари, келгусидаги режалар бўйича батафсил ахборот берилди.

Ҳар бир шаҳар ва тумanning «ўсиш нуқталари» белгиланди

Шунингдек, Нукус шаҳрида Олий Мажлис Сенати Раиси иштирокида 2020 — 2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасининг комплекс ривожлантириш дастурининг бажарилишини таъминлаш ҳамда бу борадаги вазифаларга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Сенат Раиси ўз нутқида давлатимиз раҳбари томонидан 2 октябрь куни Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғори Кенгесининг навбатдан ташқари сессиясида ҳудудни ривожлантириш, аҳоли ҳаётини яхшилаш бўйича белгилаб берган вазифаларнинг ижросини таъминлашга тўхтади.

Таъкидланганидек, бу бўйича Қорақалпоғистон Республикасининг 2020 — 2023 йилларда комплекс ривожлантириш дастури ишлаб чиқилди. Дастурда ҳар бир шаҳар ва тумanning "ўсиш нуқта"лари белгиланди ҳамда ижроси бўйича масъулар бириктирилди.

Бундан ташқари, йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилар Кенгаши Раиси Қ. Сариев дастур доирасида амалга оширилиши режалаштирилган лойиҳалар юзасидан ахборот берди.

Қайд этилганидек, 2020 — 2022 йилларда Оролбўйида умумий қиймати 12 триллион 300 миллиард сўм бўлган 1 миң 359 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилади. Шундан 523 миллион долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилади ва қарийб 20 миңта иш ўринлари яратилади.

Очик-ошкора руҳда ўтган йиғилишда ҳудудларда бажарилиши лозим бўлган лойиҳалар атрофида муҳокама қилинди. Шунингдек, сенаторлар, Жўрғори Кенгес депутатлари томонидан бу жараёнда жойларда учраётган масалалар, муаммолар ва уларнинг ечимлари юзасидан фикр-мулоҳазалар ҳамда тақлифлар билдирилди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»).

Давлат бюджети: МУҲОКАМАЛАР, ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯЛАР

Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги қарорларни Қонунчилик палатасининг фракциялари ҳамда қўмиталарида кўриб чиқиш ва муҳокама қилиш жараёнида депутатлар томонидан билдирилган эътироз ҳамда тақлифлар мазкур ҳисоботда инobatта олинган. Шунингдек, ҳисоботлардаги рақамларни асослантириш бўйича қўшимча маълумотлар тақдим этилган. Жумладан, бюджет харажатлари структураси, бюджетдан ажратилган маблағларнинг ноқонуний сарфланиш ҳолатлари тўғрисидаги маълумотлар вазирилик ва идоралар кесимида кенгайтирилган, бюджетга боқиманда қардорликлар ҳамда ортиқча тўловлар тўғрисидаги ҳисоботлар тақдим этилган.

Йиғилишда Давлат бюджети ва мақсадли жамғармалар бюджетлари ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни атрофида кўриб чиқиш ҳамда муҳокама қилишда сиёсий партиялар фракциялари ўз сайловолди дастурларидан келиб чиқиб, нукта назарини баён этишди.

Чунончи, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзолари Давлат бюджетининг 9 ойлик ҳисоботи оид ҳисоботда ҳар бир вазирилик ҳамда идораларнинг кенгайтирилган харажатларини уларга қўйилган вазифалар билан боғлаш ҳолда кўриб чиқиш зарурлигини таъкидлади. Шунингдек, "2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг фракция йиғилишида дастлабки муҳокамадан ўтказишда қонун лойиҳасининг концепциясини инфографикаларда аққол акс эттириш, ушбу қонун лойиҳасининг амалдаги қонундан фарқ қилувчи муҳим жиҳатларини жаъваларда кўрсатиш мақсадга мувофиқлиги қайд этилди.

Ўзбекистон "Миллий тиклиш" демократик партияси фракцияси аъзолари 2021 йилга мўлжалланган бюджет сиёсати пандемия шароитини ҳисобга олиб, пухта ўйланган фискал сиёсатни амалга оширишга, иқтисодий кўрсаткичларнинг мутаносиб ўсишига ва мамлакат молиявий тизимининг барқарорлигини таъминлашга қаратилган бўлиши кераклигини қўрсатиб ўтди. Ушбу вазифалар бюджет харажатларининг натижадорлигини ошириш бўлишида бюджет ижросини нафақат тармоқлар ҳамда соҳалар, балки ҳар бир вазирилик ва идоралар кесимида чуқурроқ таҳлил қилишни талаб этади. Шу боис фракция аъзолари томонидан муҳокамада биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи мутасадди вазирилик ҳамда идораларнинг Давлат бюджети ижросининг

9 ойлик ҳисоботи ва янги бюджетга оид қонун лойиҳасининг концептуал жиҳатларига оид ахборотларни эшитиш лозимлиги таъкидланди.

"Адолат" социал-демократик партияси фракцияси вакиллари бюджет маблағларидан мақсадли ва оқилона фойдаланиш бюджет харажатлари устидан назоратни кучайтиришда биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар томонидан ички аудит тизимини фаоллаштириш ҳамда маъмулоти охирида оид олиб борилаётган ишлар ҳисоботда кенгрок ёритилиши мақсадга мувофиқлигини айтиб ўтишди. Айни чоғда бюджетга ортиқча тўловлар миқдори камилаётганлиги ва бу борада Давлат солиқ қўмитасининг батафсил ахборотини эшитиш лозимлиги таъкидланди. Шунингдек, Давлат бюджетни даромадли рақарор ўсишини ҳамда солиқ солишинг адолатлиги таъминлиги таъминлаш ва солиқ имтиёзларини тартибга солишга оид қўшимча маълумотлар зарурлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси вакиллари томонидан "Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил учун Давлат бюджети тўғрисида"ги қонун лойиҳаси билан бюджет маблағларини режалаштириш самарадорлигини, улардан фойдаланиш натижадорлигини оширишга ҳамда бюджетлар муносабатларини тақомиллаштиришга йўналтирилган чора-тадбирлар қандай амалга оширилишига оид фикр ва мулоҳазаларини билдирди. Айниқса, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда бандлигини ошириш, камбағалликни қисқартириш ва ижтимоий ҳимоянинг манзиллигини кучайтириш тақлиф этилди. Депутатлар Давлат бюджетни барқарорлигини таъминлаш ҳамда давлат қарзининг миқдорини халқор стандардларга мувофиқ мўътадил даражада ушлаб туриш, консоллидациялашган бюджет тақчиллигини ўрта мuddатда ялпи ички маҳсулотга нисбатан 2 фоиздан кам даражага туширишга эришишга оид қўшимча маълумотларнинг тақдим этилиши мақсадга мувофиқ эканлигини уқтиришди.

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси аъзолари Давлат бюджетининг 9 ойлик ҳисоботи оид ҳисоботларда сув ва ёр ресурсларини сақлаш, улардан самарали фойдаланиш, энергия ресурсларини тежаш, табиатни ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик ҳаётни яхшилашга қаратилган ва бошқа муҳим давлат дастурларини молиялаштириш масалаларига йиғилиш иштирокчиларининг эътиборини қаратди. Бу бўйича тегишли тақлиф ҳамда тавсиялар илгари сурилди.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Сенати Раиси Т. Норбоевнинг туман секторлар раҳбарлари ва фаоллари билан учрашуви ҳам таҳлилий-танқидий руҳда ўтди. Тадбирда Президентимиз раислигида 10 ноябрь куни бўлиб ўтган Қорақалпоғистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишида, шунингдек, давлатимиз раҳбари томонидан 2 октябрь куни



Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғори Кенгесининг навбатдан ташқари сессиясида ҳар бир шаҳар ва тумани, шу жумладан, Шуманай туманини ривожлантириш, аҳоли ҳаётини яхшилаш бўйича белгилаб берган вазифалар ижросига алоҳида ургу қаратилди.

Ушбу ишларни ташкил этиш ва назорат қилиш учун Олий Мажлис Сенатида Оролбўйи иқтисодий ривожлантириш, аҳоли ҳаётини яхшилаш ва даромадларини ошириш бўйича янги қўмита ташкил этилгани қайд қилинди. Тадбир иштирокчилари ҳамда депутатлар бу борада ўзларнинг фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Шундан сўнг Сенат Раиси Хўжайли туманидаги 1-сонли республика Меҳрибоний уйи тарбияланувчилари билан учрашди, шу ернинг ўзига тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича лойиҳалар тақдимоти билан танишиб, маҳаллий Кенгаш депутатлари билан фикр-мулоҳазалар алмашилди.

манининг "Саманбой" овул фуқаролар йиғини ҳудудидаги "Progress of childgen" мактабгача таълим муассасаси бўлди. Бу ерда тарбияланувчиларга яратилган шарт-шароитлар билан танишилди.

Мазкур мактабгача таълим ташкилоти ўтган йилнинг июнь ойида фойдаланишга топширилган. Жами 150 ўринга мўлжалланган ушбу муассасада 21 нафар хотин-қиз доимий иш билан таъминланган. Болаларнинг ҳар томонлама сифатли таълим-тарбия олишлари учун бу ерда барча шарт-шароит мавжуд. Сенат Раиси ушбу маскан фаолияти билан танишиш асносида болақонларга совға-саломлар улашди, бу эса боғча тарбияланувчиларига унутилмас шодлик бахш этди.

Шу қуни халқ депутатлари Нукус тумани Кенгаш депутатлари билан учрашув ҳам ташкил қилинди. Тадбир давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган топшириқлар ижросини таъминлашда депутатларнинг фаоллигини ошириш масаласига бағишланди.

ниқса, аёллар ҳамда ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, коррупцияга қарши курашиш ва бошқа долзарб масалалар, уларнинг ечимлари юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Нукусда гендер тенгликни таъминлаш борасидаги ишлар қай аҳволда?

Шу қуни Нукус шаҳрида гендер тенгликни таъминлаш борасида олиб борилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани ҳам уюштирилди.

Алоҳида режа асосида ўтказилган ушбу тадбирни Сенат Раиси, Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Таъкидланганидек, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида комиссия томонидан гендер тенгликни таъминлаш ҳамда хотин-қизларни таъйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш бораси-

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР ДАСТЛАБКИ ТАРЗДА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Олий Мажлис Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг видеоконференцалоқа тарзида йиғилиши бўлиб ўтди. Унда парламент юқори палатасининг тўққизинчи ялпи мажлисида кўриб чиқилиши режалаштирилган масалалар дастлабки тарзда муҳокама қилинди.

Олий Мажлис Сенати қўмиталарида

Сенат аъзолари, вазирилик ва идоралар мутасаддилари, экспертлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган йиғилишда дастлаб "Мулкдорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг кафолатлари янада кучайтирилиши

сан, ер участкасини ёки унинг бир қисмини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ер эгасининг розилиги бўлган тақдирда ёки ердан фойдаланувчи ҳамда ижара билан келишилган ҳолда тегишли халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент



муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, мазкур қонун билан "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги, "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунлар ҳамда Ер кодексига ўзгартишлар киритилмоқда.

Уз ўрнида, киритилаётган меъёрга асосан, ер участкасини ёки унинг бир қисмини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ер эгасининг розилиги бўлган тақдирда ёки ердан фойдаланувчи ҳамда ижара билан келишилган ҳолда тегишли халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент

ҳимоя қилиш кафолати мустаҳкамланади. Йиғилишда "Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари қунини белгилаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини ҳам кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси тарихига кирувчи 14 та тармоқ касаба уюшмаси 32,5 миңдан зиёд бошланғич ташкилотларни бирлаштирган. Аъзолар сони 5,5 миллионни ташкил этиб, улардан 2,5 миллионни аёллар ҳамда 2 миллиондан ортиги 30 ёшгача бўлган ёшлардир.

"Касаба уюшмалари тўғрисида"ги Қонун билан ушбу тузилмаларга қўшимча ҳуқуқлар берилган. Касаба уюшмалари ижтимоий-иқтисодий дастурларни тузишда қатнашиш, бандлик, меҳнат муҳофазаси масалаларида ўзларнинг фикрларини давлат органларига тақдимнома шаклида киритиш каби ҳуқуқларга эга.

Янги қонун билан 11 ноябрь — Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари қуни деб белгиланиши кутуляпти. Бу халқимизнинг қўп миллионли вакилларини ўзда бирлаштирган тизим ҳодимларининг ҳамжиҳатлиги ва бирдамлигини янада мустаҳкамлаши, шубҳасиз.

Қонуннинг қабул қилиниши касаба уюшмалари ташкилотларини, энг аввало, маънавий қўллаб-қувватлаш, уларнинг янада самарали фаолият юритишини таъминлаш, ташкилот фидойи ҳодимларини рағбатлантиришга хизмат қилади.

Шунингдек, йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Мақамасининг Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 2020 йил тўққиз ойи давомида бажарилишининг бориши тўғрисидаги ҳисоботи ҳам муҳокама этилди.

Кўриб чиқилган масалалар юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.



Худди шунингдек, Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда юқори палатанинг тўққизинчи ялпи мажлиси кун тартиби лойиҳаси ҳамда қўмита томонидан киритилиши кўзда тутилган масалалар дастлабки тарзда муҳокама этилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Мақамасининг Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 2020 йил тўққиз ойи давомида бажарилишининг бориши тўғрисидаги ҳисоботи кўриб чиқилди. Хусусан, Давлат дастурининг Ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишларида белгиланган вазифа ҳамда топшириқларнинг ижроси муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, Давлат дастурининг ушбу йўналишида 7 та бандда тегишли топшириқлар қайд қилинган бўлиб, барчасининг йил давомида ижро этилиши бел-

гиланган. Тадбирда Ҳукумат ва мутасадди вазирилик ҳамда идоралар томонидан ушбу йўналишдаги топшириқлар ижроси бўйича муайян ишлар амалга ошириб келинаётганлиги, шунингдек, ақсарият топшириқлар ижроси таъминланганлиги алоҳида уқтирилди.

Шунингдек, қўмита мажлисида мамлакатимиз махсус иқтисодий зоналари рақобатдорлигини ошириш бўйича қабул қилинаётган чоралар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Мақамасига парламент сўрови юбориш ҳақидаги масала дастлабки тарзда муҳокама қилинди.

Бугунги кунда республикамизнинг 13 та ҳудудида 21 та махсус иқтисодий зона фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, ушбу ҳудудларда умумий қиймати 2 млрд. АҚШ долларидан ортиқ бўлган 370 га яқин лойиҳалар амалга оширилган бўлиб, қарийб 30 миңга яқин иш ўринлари яратилган.

Шу билан бирга, муҳокама давомида махсус иқтисодий зоналар фаолияти самарадорлигига салбий таъсир кўрсатаётган омилларга, соҳада йўл қўйилаётган қатор камчиликларга ҳам тўхталиб ўтилди. Соҳа қонунчилигидаги номувофиқликлар, инвестиция лойиҳаларини кўриб чиқиш мuddатларининг чўзилиб кетиши ва муҳандислик инфраструктураси билан боғлиқ му-



Видеопанела

аммолар ҳамда асосиз тўсиқлар шулар жумласидандир.

Кун тартибидеги масала юзасидан қўмита аъзолари, қўмита қошидаги экспертлар гуруҳи, қатор махсус иқтисодий зоналар дирекциялари раҳбарлари, шунингдек, мутасадди вазирилик ва идоралар масъул вакилларининг фикр-мулоҳазалари тингланди.

Мажлисида Россия Федерациясида меҳнат фаолиятини вақтинча амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Мақамасига юборилган парламент сўрови натижалари ҳам батафсил ва танқидий ёндашув асосида муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, ташқи меҳнат миграцияси соҳасида тизимли назоратни йўлга қўйиш, фуқароларимизни тартибли асосда ишга ёллаш тизимини тақомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ҳукуматнинг қатор Фармон ҳамда қарорлари ишлаб чиқилиб, қабул қилинган. Алоҳида эътибор Президентимизнинг жорий йил 15 сентябрдаги "Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг ижросига қаратилди. Соҳадаги муаммо ва қийинчиликларни бартараф этишда айнан ушбу ҳужжатда белгиланган дастурий чора-тадбирларни ҳаётга изчил татбиқ қилиш муҳимлиги таъкидланди.

Сенаторлар икки томонлама битимларда акс эттирилган мамлакатимиз фуқароларининг ҳуқуқ-манфаатларини самарали ҳимоя қилиш механизми айнаан Россия Федерацияси ҳудудида тўлақонли амалга жорий этилмаганлигини таъкидлашди.

Муҳокама якунида парламент сўровида белгиланган вазифаларнинг ижросини тўлиқ таъминлаш ҳамда бу борада амалга оширилиши зарур бўлган жиҳатларга тўхталиб, тегишли тавсиялар берилди.

Мажлисида муҳокама этилган масалалар юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ЭЗГУ МАҚСАД-МУДДАОЛАРНИНГ ҲАЁТИЙ РЎЁБИ

Асадулла МАҲМУДОВ,
Ўзбекистон Республикаси
олий ҳарбий авиация билим юрти курсанти:

— Бўлиб ўтган самимий суҳбат жараёнида Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонининг ёшларнинг фикрларини, тақлифларини тинглади. Ушбу учрашувда мен ҳам сўзга чиқиб, ўзим таҳсил олган "Темурбеклар мактаби"ни авиация соҳасига йўналтириш тақлифини билдирдим. Бу Ўзбекистонимиз мудофаа қудратининг ошишига ҳамда олиб борилаётган ислохотларни янада ривожлантиришга катта ҳисса қўшади. Давлатимиз раҳбари ушбу тақлифини кўриб чиқиш ва келгусида амалга ошириш бўйича соҳа мутасаддиларига зарур кўрсатмаларни берди.

Эъзога АЛИШЕРОВА,
Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси:

— Ёшлар марказида ўтказилган учрашув миллионлаб орзуманд йигит-қизларга қанот бўлди, десак, адашмаган бўламиз. Юртбошимиз очик мулоқотда кўтарилган ҳар бир масала, билдирилган тақлиф ва ташаббусни астойдил тинглаб, шу эрининг ўзида мутасаддиларга

уларни ҳал қилиш, муаммолар ечимини топиш бўйича кўрсатмалар бериши ёшларнинг келажакка, ўзига бўлган ишончини минг қарра оширди, деб ўйлайман. Учрашувда Президентимизнинг китобхонлик ҳақида билдирган фикрларидан илҳомланиб ёзган



Шеъримни ўқиб бердим. Ушбу шеърни газетхонларга ҳам илдиндим.

Китоблар қатида қолган чехралар, Силаб кўймайсизми ранглар юзини. Рўшнолик кўрмаган мунгли дийдалар Жавонлар ортидан кутмоқда сизни.

Айтинг, ким китобдан кўрибди зиён?! Тоғларни парчалар унинг фарёди. Наҳотки қалбингиз кўтармас исён, Наҳот унутилса, ажодлар ёди?!

Қўлингизга олинг жонларанг шунда, Очдингизми бас, ёна олмайсиз. Ундаги садоқат, меҳр, бардошни Бугун кинолардан топа олмайсиз.

Улар курашдилар, тикдилар жонини, Авлодлар гафлатда қотмасин дея. Адолат, ҳалоллик, меҳр, муҳаббат, Фақат китобларда қолмасин дея!..

Шоҳида ЖЎРАЕВА,
Қарши давлат университети талабаси:

— Юртбошимиз билан учрашув қалбимизни фахр-ифтихорга тўлдирди. Суҳбат шу даражада самимий бўлдики, Президентимизнинг "Мен сизларнинг кўзларингизга қараб, очик мулоқот қилгани келдим. Ҳамма ёшлар билан кўришишни хоҳлардим, лекин, афсуски, бунинг иложи йўқ. Сиз уларнинг вакиллари ўрнида жойлардаги муаммоларни, ёшлар истакларини айтишингизни истардим. Шунинг учун кўркмасдан, ўз ота-оналарингизга нима дейишни хоҳласаларингиз, ҳамма фикрларингизни бемалол айтинглар", деган сўзлари залда ажиб бир муҳит уйғотиб, ҳаяжонларимизни аритди, руҳимизга куч, мадад берди. Учрашув давомида кўплаб йигит-қизларнинг фикр-мулоҳазалари тингланди, тақлифлари, истаклари эшитилди ва ҳар бири ўз ўрнида ечимини топди.

Бугун ёш оиламан. Мулоқот жараёнида мен ҳам Президентимизга ўз тақлифини билдириб ўтдим. Яъни ёш оилалар учун Бахт уйлари қошида бир ҳафталик ёшлар психологик марказлари очиб тақлифини билдирганим давлатимиз раҳбарига жуда маъқул келди. Президентимизнинг бундай марказларни бир ҳафталик эмас, бир ойлик ўқув курслари шаклида ташкил этиш лозимлигини айтиб, ёшларнинг оила оstonасига қадам қўйишдан олдин ана шу психологик марказларга мурожаат қилиши менинг ҳам кўнглимда бор эди, деган сўзларидан жуда қувондим. Биз, ёшлар бу эътиборга, бу ғамхўрликка юксак даражада билим олиш, касбуналарни пухта эгаллаб, юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўиши билан жавоб беришимиз керак.

ХАЛҚИМИЗНИ РОЗИ ҚИЛАЁТГАН ХАЙРЛИ ИСЛОҲОТЛАР

Январ ИНОЯТОВ,
меҳнат фахрийси:

— Президентимиз Қашқадарёда амалга оширилаётган ишлар билан танишиб, бу ерда ҳали бажарилиши керак бўлган жуда кўп вазифа борлигини, шаҳар ва туманларда халқни ичимлик суви билан таъминлаш, йўллар билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишга катта ҳисса қўишига, янги йўналишда оғир ҳолатда эканини айтди. Томорқада маҳсулот етиштириш борасида ҳам танқидга учрадик.

Давлатимиз раҳбари ташриф доирасида вилоят ёшлари билан учрашди. Кўзлари ёниб турган, менга ёрдам қилинг, мана шу

ишни олиб чиқаман, дейдиган ёшлар билан суҳбат ярим тунгача чўзилиб кетди.

Вилоятимизда режалаштирилган катта миқдордаги объектлар учун 27 триллион сўм пул ажратилди. Буларнинг барчаси, албатта, Қашқадарёнинг ривожланишига, халқнинг фаровон ҳаёт кечирishiга, янги йўналишда Ўзбекистонга муносиб иш бўлди. Бу эса Президентимизнинг узоқни кўра биладиган, билимли, илмли, айна пайтда куну тун халқни ўйлайдиган раҳбар эканлигини далиллади.

Муҳиддин НУРОВ,
меҳнат фахрийси:

— Шундай замоналар бўлдики, бир маҳалладан тўртта эркак бўлса, биттаси ишлар, қолган учтаси уйда бекор ўтирарди. Ҳозир ҳамма иш билан таъминланяпти. Халқимиз учун жуда чиройли бинолар барпо этиляпти. Устига-устак илгари Қаршида 2 қаватли уйдан бошқасини қўриб бўлмайдиган дейишарди, мана, 16 қаватли замонавий уйлар қурилаётганига ҳам гувоҳ бўлиб турибмиз. Халқимизни рози қилаётган бу ишларнинг ҳаммаси узоқни кўриб амалга оширилган ислохотлар, деб биламан.

Муҳаббат ШАРОПОВА,
Ўзбекистон
Қаҳрамони,
ўқитувчи:

— Давлатимиз раҳбари Қашқадарёга катта эътибор қаратаётганини чин юракдан ҳис этдик. Таълим соҳаси вакили бўлганим учун, айнан шу тизимда олиб борилаётган сиёсатдан жуда мамнунман.

Бугунги йилда, ўқитувчи ва мураббийлар қунидаги табриғида, ундан кейинги селектор йиғилишларида ҳам узвий боғлиқлиги ҳис этиб, таълим соҳасидаги ютуқлар, олдимизда турган энг оғир муаммоларни жуда ўринли таъкидлаб ўтди. Сўнгги йилларда 11 йиллик таълимдан воз кечганимиз хато бўлгани, соҳада юзга келган муаммолар ҳақида очик-ойдин айтилди.

Бир пайтлар 11 йиллик таълим тўхтатилганда фарзандларимизни қаерга бериб қўймоқдамиз, ўз меҳнатларимизнинг мевасини ўзимиз кўролмаямиз-ку, фарзандларимиз энди кимнинг қўлида, қандай таълим олади, деб наҳот чекканимиз ҳам рост.

Шукурки, мактабларимиз 11 йиллик тизимга қайтди. Янада қувончли эса маълум фанлар чўқурлаштириб ўқитиладиган мактабларнинг ташкил этилиши бўлди.

«Халқ сўзи».



8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

Мамлакатимиз Асосий Қонуни халқаро тан олинган ҳуқуқий меъёрлар билан бирга, халқимизга хос ғамхўрлик, меҳр-оқибат анъаналарига ҳам йўғрилган. Конституцияимизда юксак инсоний, кенг заковатли руҳият фуқуриб туради.

Ёши, ижтимоий ҳолати, иқтисодий аҳволидан қатъи назар, давлат ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилиниши учун шароит яратиб бериши зарур. Шу ҳаётдан ижтимоий ҳимоя давлатнинг халқ олдидаги асосий вазифаларидан ҳисобланади. Агар бу вазифа адо этилмаса, давлатнинг ҳам, жамиятнинг ҳам асосларига путур етади. Бош қомусимизда бу масалага чўқур эътибор қаратилган.

ИЖТИМОЙ МУҲОҒАЗА ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИНИНГ АСОСИЙ МАНБАИ

Ёшлиқдан КЕКСАЛИККАЧА. Конституцияимизнинг 37-моддасида ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шартларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда иш-сизилқдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга экани қайд этилган. 39-моддада эса ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ҳамда қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга экани белгилаб қўйилган. Яъни инсонни ёшлиқдан тортиб, кексалик пайтигача бўлган даврда ҳимоялаш давлатнинг вазифаси сифатида ҳисобга олинган.

Жамиятда соҳа ва тармоқлар бир-бирига уйғун тарзда ривожлангандагина муваффақиятлар мустаҳкам бўлади. Битта соҳадаги ютуқлар бошқаларига куч беради, бир тармоқдаги муаммо бошқа йўналишдаги ислохотларга таъсир кўрсатади. Яъни ҳеч бир мамлакат бир томонлама ривожлана олмайди. Ўсиш, юксалиш ҳар ҳаётдан уйғун бўлиши зарур. Шунинг учун ҳам ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли катлами жамият ҳаётидан узоқлашиши ёки четлашишига йўл қўйиб бўлмайди.

Мамлакатимизда кейинги йилларда ижтимоий ҳимоя тушунчасига ёндашув ана шу нуқтаи назардан бугунлай ўзгарди. Инсоннинг ижтимоий ҳолати, жамиятда тутган ўрнидан қатъи назар, аввало, унинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашга эътибор қаратилмоқда. Турли сабаблар билан оғир вазиятга тушиб қолган, аммо керакли ёрдам ва қўллаб-қувватлов кўрсатилса, ҳаётини изга сола оладиган фуқароларга ҳам муносабат тубдан ўзгармоқда.

СТРАТЕГИК ЙЎНАЛИШ. Президентимиз ташаббуси билан қабул қилиниб, амалга оширилаётган Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси бу борадаги кенг қамровли ислохотлар манбаи бўлмоқда.

Стратегик ҳужжатнинг "Ижтимоий соҳани ривожлантириш" деб номланган тўртинчи йўналишида аҳоли бандлигини таъминлаш, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларнинг саломатлигини сақлаш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш масалалари бўйича ҳам муҳим чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланган.

Ижтимоий ҳимоя билан боғлиқ ислохотлар кенг қамровли ёндашувни тақозо этади, ўзгариш ва янгиликларни бир вақтнинг ўзида бир неча соҳа ҳамда тизимда амалга оширишга тўри келади. Чунки ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳоли турли тоифаларга бўлинади. Уларнинг ҳар бирига мос ёрдам кўрсатиш катта вақт, ресурс ва узвий саъй-ҳаракатни талаб қилади. Айниқса, мамлакатимизда бу борада узоқ йиллар давомида тўпланиб қолган масалаларни ҳал этиш стратегик ёндашувларга эҳтиёжни оширди.

ДАВЛАТ — ХАЛҚ ХИЗМАТИДА. "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак", деган асосий тамойилни амалда тўлиқ таъминлаш бўйича улкан ишлар

бошланди. Халқ билан мулоқотга асосланган янги тизим йўлга қўйилди. Бунинг натижасида, аввало, эҳтиёжман аҳоли қатлами ҳокимлик, суд, ҳуқуқ-тартибот ва бошқа кўплаб вазирлик-идораларга тўғридан-тўғри мурожаат қилиш имкониятига эга бўлди. Қабулхоналарга келиб тушаётган мурожаатларнинг катта қисми ҳимоя ҳамда ёрдамга муҳтож фуқаролардан эканини ҳисобга олсак, жуда кўплаб муаммолар ҳал қилишга ёрдам беришга имконият янги даражага чиқилгани аниқлашади. Яъни Конституцияимизда белгиланган давлатнинг ижтимоий ҳимоя вазифасини сифатли ва самарали бажариш устувор йўналиш сифатида қўйилди.

БЕВОСИТА ҲИМОЯ. Ижтимоий муҳофазага муҳтож оилаларнинг шундай тоифалари борки, улар турли сабаблар оқибатида оғир яшаш шароитига тушиб қолишган. Бундай оилаларда ўсаётган болалар, табиийки, яхши таълим, тўғри тарбия олиши қийин. Шунинг учун ресурслар чекланган бўлишига қарамай, кам таъминланган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож бўлган оилаларга, жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларга ипотека кредити асосида арзон уй-жой сотиб олиши учун бошланғич бадал тўлаб берилди. Уй билан бирга, муҳтож оилаларнинг ишга лаёқатли аъзолари ишга ҳам жойлаштирилмоқда. Бош қомусимизда кафолатланган меъёр янгича механизмлар орқали рўёбга чиқарилмоқда.

МУҲТОЖЛИКДАН ЧИҚИШ. Ижтимоий ҳимоя тизимидаги туб ўзгаришлардан бири камбағалликни қисқартириш бўйича ислохотлар бошланганидир. Камбағал оилалар ҳолатини ўзгартириш, аввало, бу оила нега бундай вазиятга тушиб қолганини аниқлаб, шунга мос ёрдам кўрсатишдан бошланади. Етарли даромадга эга бўлмаган оилаларда камда бир нафар ишга лаёқатли киши истикомат қилади. Агар уларга касб-ҳунар ўргатилса, ишлаши учун кўникама берилса, муҳтожликдан чиқиб имконияти ва интилувчанлик ошади.

Шу мақсадда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги тузилиб, бир неча йўналишда амалий ишлар қилиш ва уларнинг саломатлигини сақлаш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш масалалари бўйича ҳам муҳим чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланган.

Ижтимоий ҳимоя билан боғлиқ ислохотлар кенг қамровли ёндашувни тақозо этади, ўзгариш ва янгиликларни бир вақтнинг ўзида бир неча соҳа ҳамда тизимда амалга оширишга тўри келади. Чунки ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳоли турли тоифаларга бўлинади. Уларнинг ҳар бирига мос ёрдам кўрсатиш катта вақт, ресурс ва узвий саъй-ҳаракатни талаб қилади. Айниқса, мамлакатимизда бу борада узоқ йиллар давомида тўпланиб қолган масалаларни ҳал этиш стратегик ёндашувларга эҳтиёжни оширди.

ДАВЛАТ — ХАЛҚ ХИЗМАТИДА. "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак", деган асосий тамойилни амалда тўлиқ таъминлаш бўйича улкан ишлар

ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон давлат консерваторияси

қуйидаги кафедралар бўйича лавозимларга танлов эълон қилади:

- Халқ чолғуларига ижрочилик кафедраси: профессор — 2 ўрин, доцент, катта ўқитувчи — 2 ўрин;
- Муסיқа назарияси кафедраси: профессор;
- Камер муסיқа кафедраси: доцент, катта ўқитувчи;
- Торли чолғулар кафедраси: доцент — 2 ўрин;
- Эстрада чолғу ижрочилиги кафедраси: доцент, ўқитувчи;
- Композиторлик ва чолғулаштириш кафедраси: катта ўқитувчи, ўқитувчи;
- Академик хор дирижёрлиги кафедраси: доцент, катта ўқитувчи;
- Пуфлама ва зарбли чолғулар кафедраси: катта ўқитувчи — 2 ўрин;
- Ўзбек муסיқаси тарихи кафедраси: катта ўқитувчи, ўқитувчи;
- Муסיқа тарихи ва танқиди кафедраси: катта ўқитувчи;
- Эстрада хонандчилиги кафедраси: катта ўқитувчи;
- Вокал ва чолғу ижрочилиги педагоглари тайёрлаш кафедраси: катта ўқитувчи — 2 ўрин;
- Умумий фортепиано кафедраси: катта ўқитувчи, ўқитувчи;
- Ижтимоий фанлар кафедраси: катта ўқитувчи.

Танловда иштирок этиш учун даъвогарлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим:

- ректор номига ариза;
- ходимлар шахсий варақаси;
- олий маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақида диплом ва аттестатларнинг нусхалари;
- ўқув-услубий, илмий тадиқот ва илмий-ижодий ишлари рўйхати;
- мутахассислик бўйича охириги уч ўқув йилида малака оширганиги тўғрисидаги гувоҳнома ва сертификатлар нусхаси.

Аризалар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида Ўзбекистон давлат консерваториясининг ходимлар бўлими томонидан қабул қилинади. Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Олмазор кўчаси, 1-уй.

«AGRO SANOAT MULK MARKAZI» МЧЖ

очик аукцион савдоларига тақлиф этади.

«Agro sanoat mulk markazi» МЧЖда 2020 йил 15 декабрь кун соат 12.00 да бошланғич нархи ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокуратурасига тегишли қуйидаги автотранспорт воситалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджет ташкилотлари ва давлат унитар корхоналарининг асосий воситаларини ҳамда қурилиши тугалланган объектларини сотиш, шунингдек уларни сотишдан тушган пул маблағларини тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 2009 йил 31 декабрдаги 343-сонли қарорига асосан қўйилмоқда:

1. 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси (рақами) 40/713ZDF бўлган "Nexia" русумли автотранспорт воситаси.

Бошланғич нархи 27 239 000 сўм.

2. 2012 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси (рақами) 90/727ZDF бўлган "Lasetti" русумли автотранспорт воситаси.

Бошланғич нархи 45 645 000 сўм.

Автотранспорт воситалари олди-сотди шартномаси асосида сотилади. Олди-сотди шартномаси аукцион савдоси натижалари тасдиқланган санадан бошлаб беш кун мобайнида имзоланиши шарт. Олди-сотди шартномаси бўйича тўлов шартнома имзоланган пайтдан бошлаб беш кун мобайнида 100% тўланиши зарур. Автотранспорт воситалари Тошкент шаҳри, Туркистон кўчаси, 8-«А» уй манзилида сақланмоқда. Савдога қўйилган мулкларни сотувчи вакили иштирокида бевосита жойида кўриши мумкин.

Хурматли талабгорлар! Юқорида қайд қилинган автотранспорт воситалари ушбу аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, уларни сотиш юзасидан ўтказиладиган такрорий аукцион савдоси 2020 йилнинг 30 декабрь кун соат 11.00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлардан аризалар ҳафтанинг расмий иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача қабул қилинади ва савдога бир кун қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич нархининг 50% дан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини савдо ташкилотчиси — «Agro sanoat mulk markazi» МЧЖнинг «Капиталбанк» АТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804948004002, МФО: 01018, СТИР: 302159464.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: 71-250-95-96.

Гувоҳнома: 006388.

Ифтихор



Янги Ўзбекистон — Янги Замон Бу!

Кўксимни тўлдирар тоза ҳаволар, Кўйласам — тилмда янги наволар, Эй сиз, она юртга жони фидолар, Дунёга йўл очган янги даврон бу, Янги Ўзбекистон — янги замон бу!

Вафо тупроқда ҳам из очган бунда, Ҳар кўча гул билан юз очган бунда, Гўдаклар Ватан деб кўз очган бунда, Порлоқ истиқболдан ёруғ нишон бу, Янги Ўзбекистон — янги замон бу!

Бу Ватан — Навоий баёти бўлган, Бобур соғинчининг саботи бўлган, Мангубердиларнинг ҳаёти бўлган, Ғурур, ифтихорга олий имкон бу, Янги Ўзбекистон — янги замон бу!

Илмда дунёни олган боболар, Довруғин дунёга солган боболар, Ёт тупроқ тубида қолган боболар, Тарих қатига алам, армон бу, Янги Ўзбекистон — янги замон бу!

Ўзлигин қудратин ўзи кўрган халқ, Рост дунё аслини кўзи кўрган халқ, Тараққиёт тақдиринг, тафаккурда балқ, Ғафлдан уйғотган оқил сарбон бу, Янги Ўзбекистон — янги замон бу!

Маҳмуд ТОИР, Ўзбекистон халқ шоири.



ЗАМОНАВИЙ БОҒЧАЛАР БОЛАЖОНЛАР ИХТИЁРИДА

Анджон шаҳрида "Билли" ҳамда "Билимдон болажон" номли мактабга таълим ташкилотлари фойдаланишга топширилди. Бунинг натижасида 420 нафар болажон замонавий мактабга таълим жараёнига қамраб олинди.

Бунёдкорлик

— Бугунги кунда шаҳримизда 56 та давлат, 13 та нодавлат ва 20 та уй боғчалари фаолият юритмоқда, — дейди вилоят мактабга таълим бошқармаси масъул ходими Олимжон Турсунов. — Йил охирига қадар яна бир неча муассасада қурилиш ишлари якунланади, фойдаланишга топширилади. Натижада Анджон шаҳрида бола-

ларни мактабга таълимга қамраб олиш 50 фоизга етади. Асосий мақсад — болалар қамрови ва таълим-тарбия сифатини баробар қилиш, яъни қамраб олиш кўрсаткичлари ошгани сайин сифат ҳам яхшиланиб боришига эришиш.

Саминжон ҲУСАНОВ («Халқ сўзи»).

ҚАЛБЛАРГА МУҲҲРАНГАН БУЮК СИЙМО

Яқинда Беларусь пойтахти Минск шаҳрида ватандошимиз Исмаил Кучиевнинг республикамизни жуда мураккаб ва оғир йилларда бошқариб, юртимиз иқтисодий-иқтисодий ривожини, халқимиз фаровонлигини ошириш йўлида фидокорона хизмат қилган атоқли давлат арбоби, таниқли ёзувчи ва шоир Шароф Рашидов ҳаёти ҳамда фаолиятига бағишланган китоби «Шароф Рашидов: ПОБЕДИТЕЛЬ» номи остида чоп этилди.

Эҳтиром

Бугун онгли ҳаётини эл-юрт тараққиётига бағишлаб, халқимизнинг юксак хурмати ва меҳрига сазовор бўлган инсоннинг 100 йиллиги юбилеи ўтказилиши муносабати билан кўпга эътибор қилиш амалга оширилди. Хусусан, у туғилган ва яшган шаҳар — Жиззахда унинг хотирасига бағишланган ёдгорлик мажмуаси барпо этилиб, ҳайкал қад ростлади. Мемориал уй-музейи ташкил этилди ва музей ҳудуди ободонлаштирилди. Жиззах туманига Шароф Рашидов номи берилди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан адибнинг "Сайланма" китоби, Шароф Рашидов ҳаёти ҳамда фаолиятига бағишланган "Халқимизнинг оташқалб фар-

занди" номли хотира китоби чоп этилди. Аслида ҳам эл-юрт ташвишида қайғурганлар кам бўлмайди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан атоқли давлат ва жамоат арбоби, таниқли ёзувчи ҳамда шоир Шароф Рашидов хотирасини абадийлаштириш, номини тўла оқлаш борасида олиб борилган бундай ишлар халқроқ даражада ҳам юксак эътироф этилмоқда. Тарихий ҳужжатлар, кўпга далиллар, замондошлар хотиралари ва тадқиқотлар асосида яратилган ушбу китобда муаллиф ўз қаҳрамони шахси тўғрисида, унинг қўл қиррали фаолияти ҳамда бунинг мамлакат ва халқ учун аҳамияти ҳақида сўз

юритади. Китобхонга Шароф Рашидов ҳамда унинг номи билан боғланган "пахта иши" ҳақидаги асл ҳақиқатни тўла-тўқис етказишга интилади. Ш. Рашидов шахси ва хотирасига бугунги кунда кўрсатилаётган эътиборини тарихий адолатнинг қарор топиши сифатида юксак баҳолайди. Китобга бежиз "Шароф Рашидов: ГОЛИБ" деб ном берилмаган. Зеро, атоқли давлат арбобининг қилган ишлари турли ўқувчи ва ёшлар билан қоратилган бўлганлар, бўлганлар бугунгинагинама мағлуб бўлишди. Уларнинг номини ҳам, ҳар хил сафсатаю қуруқ даъволарини ҳам ҳеч ким эсламайди. Шароф Рашидов сиймоси эса голиб сифатида барҳат яшамокда.



ШАРОФ РАШИДОВ: ПОБЕДИТЕЛЬ

Халқимизнинг асл фарзанди Шароф Рашидов ҳақидаги ушбу китоб ёшларимизнинг миллий гурурини юксалтириш, улуғ аждодларимиздан фазл туйғусини уйғотишда муҳим аҳамиятга эга. Зеро, йиллар ўтаверади, авлодлар алмашаверади, аммо бундай инсонларнинг номи, қилган ишлари, айтган сўзлари ўсиб келаётган ёшлар учун йўлчи юлдўзга айланади, қалблардан ўнмайди.

Собир ҚУРБОНОВ, тарих фанлари номзоди, доцент, Носир ТОИРОВ, сиймашунос.

«BUKHARA ART TURIZM» театр труппасига асос солинди

Яқинда Бухоро вилояти ҳокимлиги, маданият бошқармаси, муסיқали драма театри ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда «BUKHARA ART TURIZM» театр труппасига асос солинди.

Қадрият

Иқтидорли, изланувчан ижодкорлардан иборат жамоа қадимий кўрғонда "Арқо Олийда Амир Олимхон қабули" деб номланган адабий-баддий, театрлашган томоша намойишини бошлади. Томоша учун тарихий аҳамиятини йўқотмаган шў гушанинг танланган бежиз эмас. Бухоро амирлари айнан Арқода яқин йироқдан келган элчиларни қабул қилган, ўзаро савдо-сотиқ, маданий алоқаларни мустақамлашга оид келишувларга эришилган. Бу гўша миллий урф-одатлар, аънадалар, қадриятларини намойиш этадиган маскан вазирамни ҳам ўтаган.

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).

«ТСТ Cluster»: ШОЛИЧИЛИК КЛАСТЕРИДА

«Ақлли» ускуналар гуруччи ранги бўйича ҳам саралайди

Кеч кўзнинг ўзгарувчан ҳаволи кунларига тўғри келган корхонанинг очиқлиш маросими кўтаринки кайфиятда, тантанали равишда бўлиб ўтди. Тошкент вилояти ҳокими Рустам Холматов ва «ТСТ Cluster», «ВСТ Cluster» кластерлари раҳбари Муртазо Раҳматов «старт» тугмасини босгач, корхона цехларидаги замонавий ускуналар ҳаракатга тушди. Шундан сўнг бу ерда ҳам бўлган вилоят ва туман Кенгашлари депутатлари, сенаторлар, кенг жамоатчилик вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари тегиригининг дастлабки бунқерига ташланган шולי бир неча босқичлардан ўтиб, сара гуруч тарзида қадоқланиши жараёнини катта қизиқиш билан кузатди. Завод Туркиянинг "Yashar Makina" компаниясидан келтирилган энг сўнгги русумдаги «ақлли» ускуна ва дастгоҳлар билан жиҳозланган. Технологларнинг айтишича, улар нафақат иш унумдорлигининг юқори, балки бозорда рақобатдош бўлган юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш имконини бериши билан ажралиб туради. Масалан, шוליга ишлов бериш жараёнида икки марта тозаланади, ундан сўнг пўсти ажратиқ олинган гуручлар катта-кичкилиги, ҳатто рангига қараб сараланади. Аммо бу билан жараён тугамайди. Оқланган гуруч яна бир бор тозалаш тестида ўтказилади. Сўнгги босқичда эса буюртмачи талаби ёки заруратга қараб ёғланмиш мумкин. Умуман олганда, шולי технология жараёнига кириб, тайёр маҳсулотга айлангунга қадар камида уч марта сифат бўйича назоратдан ўтказилади.



Бу корхона бир мавсумнинг ўзида 40 минг тоннагача маҳсулотни қайта ишлаш қувватига эга. Яқин келажакда лойиҳанинг иккинчи босқичи ишга туширилиши туфайли 100 минг тоннагача шолини қайта ишлаш имконияти юзага чиқарилади.

«Даладан дастурхонгача» тамойили — амалда

Айни пайтда "ТСТ Rice" МЧЖ заводида қайта ишланаётган шולי кластернинг ўзида етиштирилган. Гап шундаки, кластер услуби бу ерда «даладан дастурхонгача» тамойилини

да бу борадаги хосилдорлик кўрсаткичи-ю, рентабеллик даражаси жуда паст бўлгани ҳам айни ҳақиқат. Ушбу корхонанинг ишга туширилиши натижасида шולי етишдан бошлаб, унинг хосилини чуқур қайта ишлаб, тайёр маҳсулотни сотувга чиқаришга ҳам бўлган жараён тўғри қамраб олинди. Вилоят ҳокими таъкидлаганидек, «ТСТ Cluster»нинг ҳудуд ижтимоий-

ҳўжалиги соҳасида вилоятдаги энг қўйи ўринларда юрарди. Биргина пахтачилик мисолида айтадиган бўлсак, ўртача хосилдорлик 10-11 центнерни ташкил этган, ҳолос. Охириги икки йилда эса манзара тамомилан ўзгарди. Навини пахтачилик, балки галланилик, шוליчилик, балиқчилик йўналишларида ҳам сифат ўзгаришлари кузатишмоқда.

— Бугун туманга санаот олиб кириляпти. Ишга туширилган завод кластернинг инвестициявий лойиҳаларидан бири, ҳолос, — дейди иқтисодий фанлари доктори, сенатор Муртазо Раҳматов. — Яқин келажакда Куйи Чирчиқда тўқимачилик фабрикаси ишга туширилади. Шунингдек, йирик бўрдоқчилик кластерини бунёд этиш устида иш олиб бораёмиш. Бу кластерда бир йилда 250 — 300 минг бош қорамол бўрдоқга боқилиб, гўшт ва гўшт маҳсулотлари ички ҳамда ташқи бозорга миллий бренд асосида тақдим эти-

сифатли уруғлик ҳам тайёрланади. — Бу йил далалардан йиғиштириб олинган 9,5 минг тонна шולי хосили қуритилиб, умумий сизими 15 минг тонналик иккита ёпиқ оморда сақланмоқда, — дейди Туркиянинг "Yashar Makina" компанияси вакили, корхона бош технологи Ридван Нонул. — Хар бири 1 тонналик сизимга эга бўлган маҳсулотларга жойланган шולי оморларга пешма-пеш жойлаштирилди. Бу янги иш услуби хосилини узоқ йиллар давомида яхши сақлаш ва ундан юқори сифатли гуруч ишлаб чиқариш имконини беради.

Тозалаш ва қуритиш цехи тўртта линия билан жиҳозланган бўлиб, уларнинг хар бири ёрдамда бир сменада 120 тонна шолини қуритиш мумкин. Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, улар муқобил ёқилги — кўмирда ишлашга мослаштирилган. Шунингдек, мазкур замонавий цехда бошқа қишлоқ ҳўжалиги экинлари, хусусан, дуккакли маҳсулотларни ҳам тозалаш ва қуритиш имконияти мавжуд. Бу корхона бир мавсумнинг ўзида 40 минг тоннагача маҳсулотни қайта ишлаш қувватига эга. Яқин келажакда лойиҳанинг иккинчи босқичи ишга туширилиши туфайли 100 минг тоннагача шолини қайта ишлаш имконияти эга бўлави.

Корхона мутасаддиларининг маълумотларига қўра, бу ердаги мавжуд хосил қайта ишлаб бўлинган, вилоятдаги фермер ва деҳқон ҳўжаликлари билан шолини қайта ишлаш борасида янги ҳамкорликлар йўлга қўйилади. Ҳозир хар ким гуруччи ўз имконияти даражасида оқлаб, ички бозорга тақдим этаётган жариёнлар барҳам топиб, аҳоли андозлари даражасида қадоқланган «Marfield» бренди остидаги юқори сифатли гуруч маҳсулотлари етказиб берилади.

Шодиёр МУТАҲАРОВ («Халқ сўзи»). Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.



амалиётга тўлиқ жорий қилиш имконини беришмоқда. Чиндан ҳам, 500 кишилик шוליчилик кластери аъзолари бу йил тумандаги 2,5 минг гектардан ортиқ майдонларда шолининг "Лазурний", "Искандар", "Мустақиллик", "Тарона" навларини парваришлашди. Мавсумда кузатишган об-ҳаво нуқуллайликлари, айни вегетация жараёнидаги сув танқислигига қарамадан мўл ҳосил етиштирилди. Яширишининг ҳолати йўқ, илгари туман аҳолиси шולי экиб, айтарли даромад топмаган. Барча жараён тарқоқ эди. Уриб-янчиб олинган хосилни сақлайдиган тузук оморхоналар ҳам бўлмаган. Одамлар шолини, асосан, уйларида сақлашарди. Туман

500 кишилик шוליчилик кластери аъзолари бу йил тумандаги 2,5 минг гектардан ортиқ майдонларда шолининг "Лазурний", "Искандар", "Мустақиллик", "Тарона" навларини парваришлашди. Мавсумда кузатишган об-ҳаво нуқуллайликлари, айни вегетация жараёнидаги сув танқислигига қарамадан мўл ҳосил етиштирилди.

иқтисодий тараққиётидаги ўрни бекиёс. Қисқа даврда деҳқончилик маданиятини юксалтириш, аҳоли даромадини оширишда кўплаб ютуқлар қўлга киритилди. Маҳалла ва гузарлар ободонлаштирилиб, равон йўллар қурилди. Мактаб ҳамда боғчалар, қишлоқ врачлик пунктлари бунёд этилди. Аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини ташминлаш борасида қатор истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этиляпти.

«Marfield» — озиқ-овқат санаотида янги бренд

Янги заводда шунчаки гуруч оқланмайди. Марвариддек гуручлар ишлаб чиқарилиши баробарида, юқори

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1156. 30 509 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

Тажрибанинг келган қўлбаслар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақлалади.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — Р. Шерқулов. Мусаҳҳиҳ — Ш. Маираббев.